

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ДОВУДОВА ДИЛЗОДА СУЛАЙМАНОВНА

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ СУД МУҲОКАМАСИДА ПРОКУРОР
ИШТИРОКИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09- Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2024

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации докторской (DSc)

Content of the abstract of the Doctoral (DSc) dissertation

Довудова Дилзода Сулаймановна

Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари.....3

Довудова Дилзода Сулаймановна

Теоретические и практические вопросы участия прокурора в судебном разбирательстве уголовного процесса33

Dovudova Dilzoda Sulaymanovna

Theoretical and practical issues of the participation of the prosecutor in court trial of criminal proceedings.....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ДОВУДОВА ДИЛЗОДА СУЛАЙМАНОВНА

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ СУД МУҲОКАМАСИДА ПРОКУРОР
ИШТИРОКИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09- Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Yu186 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тўхташева Умида Абдиловна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қулматов Шароф Асадович
юридик фанлар доктори, профессор

Рахмонова Сурайё Махмудовна
юридик фанлар доктори, профессор

Кадилова Мохигул Хамитовна
юридик фанлар доктори, профессор в.в.б.

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 6 февраль куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96;

Диссертация автореферати 2024 йил 26 январь куни тарқатилди.

(2024 йил 26 январдаги 02-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжоновна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қонун устуворлигининг умумий кўрсаткичлари пастлиги кузатилмоқда. Бу борада “Қонун устуворлиги” (The Rule of Law Index) индекси бўйича белгиланган индикаторлар асосида мамлакатларнинг 2020-2021 йилларда 61 фоизда, 2022-2023 йилларда 59 фоизда кўрсаткичлар пасайган. Мазкур мамлакатларда 6 миллиард шахс истиқомад қилади. 2016-2023 йилга қадар мамлакатларнинг 77 фоизда инсонларнинг асосий ҳуқуқлари бузилган¹. БМТ Бош Ассамблеясининг “Прокуратура органларининг ҳалоллиги ва поклигини амалга ошириш ҳамда салоҳиятини ривожлантириш орқали қонунийликни мустаҳкамлаш” деб номланган 17/2 резолюцияси² ҳамда Европа иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг “Жиноий судлов тизимида давлат айбловчисининг ўрни” ҳақидаги R(2000) 19 тавсияномаси³ каби халқаро стандартларни белгиланиши ҳам мазкур соҳани долзарблигини кўрсатади. Шу боис, прокурор инсон тақдири билан боғлиқ бўлган суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига таъсир этувчи процесс иштирокчиси бўлганлиги сабабли ушбу йўналишни янада такомиллаштириш талаб этади.

Жаҳонда ушбу йўналишни методик ва амалий таъминлаш, таҳлил қилишда ташкилий-бошқарувни фаолиятини кучайтириш, суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақоми, функцияси ва вазифаларига аниқлик киритиш ва уларни тўлиқ ҳамда сифатли амалга оширилишида процессуал-функциявий жиҳатларини ўрганиш, шу асосда механизмини такомиллаштириш, суд мажлисида иштирок этадиган ходимларга қўйилган талаблар ишлаб чиқиш, ўз устида ишлаш имкониятларини кенгайтириш, билим ва малакасини оширишга қаратилган субъектив-психологик ривожлантириш, янги институтларни ва соддалаштирилган тартибларни жорий қилиш, бу борада қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноят-процессуал муносабатларда прокурор иштирокини таъминлаш борасида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда «Қонун – устувор, жазо – муқаррар» тамойилини бош мезонга айлантириш, прокуратура органлари фаолияти ошқоралигини ва унинг жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар назарда тутилган. Унга кўра, давлат айбловчиси фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий

¹ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/insights#global-decline>

² Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар (ўқув қўлланма). Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, - 8-35 Б.

³ Европа Кенгашига аъзо давлатларга Вазирлар Қўмитасининг “Жиноий судлов тизимида давлат айбловчисининг ўрни” ҳақидаги тавсияномаси R(2000) 19 Европа Кенгаши ҳужжати <http://docs.cntd.ru/document/90199642>

тажрибага мувофиқлаштириш лозимлиги назарда тутилган бўлиб, бу, ўз навбатида, илғор ғояларга асосланган қонунчиликни шакллантириш кераклигини кўрсатмоқда. Прокурор суд муҳокамасида қонун устуворлигини таъминловчи давлат вакили сифатида иштирок этар экан, ушбу йўналиш фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ташкилий-бошқарув, процессуал-функциявий ва субъектив-психологик муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, натижаси юзасидан назарий, амалий, процессуал, ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш зарурати борлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари (2020), «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари (2020), «Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун (2023) соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Жиноят процессуал қонунчилигида суд муҳокамасида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятларига доир муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, University of Warwick, Oxford University, Nottingham Trent University, Cambridge University, (Буюк Британия), University of Berlin (Германия), University of Virginia, New York University Law Center, Harvard University, National Institute of Justice, (Америка Қўшма

⁴ Диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида ёритилган: <https://www.icj.org/wp-content>; <https://nonews.co/directory/wordbook/sheffen-court>; <https://www.icc-cpi.int>; <https://www.mjusticia.gob.es>; www.jstor.org; <https://www.sweetandmaxwell.co.uk>; <https://www.academia.edu>; <https://www.taylorfrancis.com>; <https://www.cambridge.org>; <https://clcjbooks.rutgers.edu>; <https://academic.oup.com>; <https://www.law.virginia.edu>; <https://ink.library.smu.edu.sg>; <https://www.researchgate.net>; <https://www.staffs.ac.uk>; <https://heuni.fi>;

Штатлари), Singapore Management University (Сингапур), University of Sydney (Австралия), University of Derby, Midlands Centre for Criminology and Criminal Justice, (Буюк Британия), The European Institute for Crime Prevention and Control (Финляндия) Москва давлат университети, Сибир давлат университети, Бош прокуратура Академияси (Россия Федерацияси), Бош прокуратураси хузуридаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Академияси (Қозоғистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижаларга эришилган: апелляция инстанциясида прокурорнинг маҳкум фойдасига суд ҳукми устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгаллиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилинишида самарадор бўлиб ҳисобланиши асосланган (University of Berlin, Германия); апелляция шикояти фақат биринчи инстанция судида ишни кўриб чиқишда иштирок этган прокурор томонидан берилиши мумкинлиги исботланган (University of Virginia, Harvard University, National Institute of Justice, Америка Қўшма Штатлари), суд муҳокамасида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки исботланган (Бош прокуратура Академияси, Россия), (Бош прокуратураси хузуридаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Академияси, Қозоғистон), процессуал институт ҳисобланган “айбни бўйнига олиш тўғрисидаги битим”га доир нормаларни миллий қонунчилигимизга жорий этилиши ва уни амалга ошириш механизмларини шакллантириш таклиф этилган (University of Warwick, Cambridge University, Буюк Британия), (University of Virginia, New York University Law Center, Америка Қўшма Штатлари), Singapore Management University, Сингапур), жиноят ишларини соддалаштириш зарурлиги исботланган (University of Derby, Midlands Centre for Criminology and Criminal Justice, Буюк Британия), хусусий айблов институтининг қўлланилиши асосланган (The European Institute for Crime Prevention and Control, Финляндия), шунингдек, жиноят ишларини биринчи ва юқори инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштирокини муаммолари таҳлил қилиниб, уни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида прокурор фаолиятининг баъзи жиҳатлари мамлакатимиз олимлари: Ғ.А.Абдумажидов, А.Д.Давлетов, З.Ф.Иноғомжонова, М.Маҳбубов, М.А.Ражабова, Ф.Х.Раҳимов, Н.Норпўлатов, Ф.М.Муҳиддинов, В.В.Қодирова, З.С.Ибрагимов, Д.М.Миразов, Ш.А.Қулматов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тўхташева, С.М.Раҳмонова, Ш.Ф.Файзиев, Ш.Абдуқодиров, Н.И.Хайриев, Б.А.Муминов, М.Х.Қадирова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Б.Х.Пўлатов «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини қонунчилик билан тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари ва уни такомиллаштириш йўллари» (2002), О.М.Мадалиев «Жиноят ишлари биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки» (2005), Д.С.Довудова «Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари» (2020), М.З.Ражабова «Жиноят ишларининг юқори суд инстанцияларида

кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: кийёсий-ҳуқуқий таҳлил» (2023) мавзуси доирасида прокурор иштирокининг муайян босқичдаги жиҳатларини таҳлил қилган.

МДХ мамлакатларида суд босқичида прокурор фаолиятини ташкил этиш масалалари Ю.А.Авагимова, А.М.Баксалова, В.И.Басков, Е.В.Брянская, Н.В.Буланова, С.Э.Воронин, В.Н.Исаенко, А.Ф.Ишембитов, Н.П.Кириллова, Ю.В.Кореневский, В.Ф.Крюков, Н.В.Кулик, В.А.Лазарева, Д.А.Мезинов, Н.Ю.Решетова, А.А.Тушев, Б.А.Тугутов, В.Г.Ульянов, Е.Р.Ергашев, Л.А.Курочкина, Ю.Шербаков, А.Терёхин, М.В.Бызова, Н.В.Чекмачёва, К.А.Комогорцева, М.А.Марков, О.С.Капинус, А.Г.Халиулин каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда J.A.Hilgert, M.Iuga, V.Păvăleanu, I.Neagu, D.Calendari, J.Hodgson, L.Soubise, B.McKillop, S.Eberhard, M.Nomeyler, U.Kramer, T.Hinrichsen, J.Brohmer, J.Bulnes, S.Bailey, M.Gunn, L.Zedner, P.Hungerford-Welch, J.R.Spencer, R.Rauxloh, Y.Ma, W.C.Bryson, D.Brown, G.Kok, A.G.Volevodz каби олимлар томонидан илмий мушоҳада қилинган⁵.

Шу билан бирга, танланган мавзу бўйича назарий-ҳуқуқий муаммолар суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, миллий қонунчилик, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан алоҳида монографик тадқиқ этилмаган. Бу эса тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб, уни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш зарурлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» (2020-2023 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва принципларининг назарий-ҳуқуқий хусусиятларини тадқиқ этиш;

жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурорнинг функцияси тавсифланиб, процессуал-функциявий муаммоларини таҳлил қилиш, қонун устуворлигини таъминлашда функцияни тўлиқ ва сифатли амалга оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятларини асослаш, суд мажлисида давлат айбловчисининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган омилларни

⁵ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

аниқлаш, дастлабки эшитувда прокурор ваколатларини таснифлаш ва аниқлаган муаммолар бўйича таклифлар билдириш;

айбга иқрорлик келишуви суд муҳокамасида кўрилишида прокурор иштироки ва ваколатларини ўрганиш орқали умумий тартибда кўриладиган ишларда прокурор иштирокидан фарқли жиҳатларни ажратиш, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

суд муҳокамасида жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал ҳужжатлари турлари, уларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда прокурор иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини асослантириш;

апелляция инстанцияси суд муҳокамасида қонуний кучга кирмаган ҳукм ёки ажримни текширишда иштирок этаётган прокурорнинг процессуал мақомини белгилаш, прокурорнинг биринчи инстанцияда иштирокининг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини таснифлаш;

прокурорнинг юқори инстанция судларидаги иштирокига доир қонунчиликни такомиллаштириш ва унинг процессуал мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш;

айрим ривожланган давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигида суд муҳокамасида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари ва процессуал асосларини ўрганиш орқали содалаштирилган тартибда иш юритиш, хусусий айбловнинг янги институтларини жорий қилиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш амалиётини яхшилаш ҳамда жиноят ишларини суд муҳокамаларида кўришда прокурорнинг процессуал фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини суд муҳокамаларида жиноят ишларини кўришда прокурор иштироки билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини биринчи ва юқори инстанция судларида жиноят ишларини кўришда прокурор иштирокини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, соҳавий буйруқ талаблари, суд-тергов амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида илмий билишнинг мантикий-юридик, формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик, шунингдек, социологик сўровлар, интервью каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

прокурор фикрининг, суд қарорларига нисбатан келтирилган протестларининг асослилиги каби прокурорнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари, унинг биринчи, юқори инстанциялар суд қарорларига протест келтириш ёки тақдимнома киритиш каби иштироки, жиноят иши

хужжатларини ўрганиш, ёзма фикрини мажбурий бўлиши ҳақидаги ҳамда унда акс этиши шарт бўлган талаблар ишлаб чиқилиб, уларни Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида акс эттириш зарурати асослантириб берилган;

суд босқичида соддалаштирилган иш юритиш тартиб-тамойилларини янада ривожлантириш, суд-тергов ҳаракатларининг инновацион шакллари ва услубларини жорий этиш, тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш асосида дастлабки эшитиш институтини жорий этиш орқали жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичини ислоҳ қилиш, шунингдек, прокурор айбловдан воз кечишининг процессуал механизмини яратиш, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтини янада ривожлантириш зарурати асослантирилган;

суд муҳокамасида прокурор иштироки ҳамда уни ўзгартириш асослари ва тартибини белгилаш, дастлабки эшитувни ўтказиш ҳақида илтимосномалар бериш муддатлари ҳамда суд муҳокамасида прокурорнинг янги далилларни тақдим этиш, айбловдан воз кечиш ёки айбловни ўзгартиришнинг процессуал механизмини, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бўйича ҳукм юзасидан протест келтириш зарурати асослантирилган;

суд мажлисида ўзининг мақомига кўра иштирок этиши мумкин бўлган прокурорлар доирасини белгилаш процесс иштирокчиларининг масъулиятини ошириши бу эса иш сифатига таъсир этиши, инсон ҳуқуқларини таъминлаши сабабли жиноят ишини вилоят ва унга тенглаштирилган судда кассация тартибида кўришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ёки улар томонидан ваколат берилган прокурор иштирок этиши, ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судида тафтиш тартибида кўришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосари ёки улар томонидан ваколат берилган прокурор иштирок этиш тартибини жорий қилиш лозимлиги асослаб берилган.

прокурорнинг судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки ва ваколатлари, суд ҳукми, ажрими ва қарорларига протест келтириш, уни ўзгартириш, тўлдириш ёки қайтариб олишнинг тартиб ва тамойилларини ишлаб чиқиш зарурати асослантирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суд муҳокамасида прокурор иштирокига оид нормаларни такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Бош прокурорнинг 2015 йил 27 ноябрдаги «Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги 126-буйруғининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ташкилий-бошқарув, субъектив-психологик жиҳатларини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган;

прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштирокининг умумий ва махсус

принциплари таҳлил қилиниб, принциплар унинг қонун устуворлигини таъминлашдаги фаолиятининг муҳим мезони эканлиги хулосага келинган;

жиноят процессида прокурорнинг функцияси унинг суд муҳокамасидаги функцияси умумий ва махсус функцияларига ажратилиб, прокурор процессуал-функцияси муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилиб, уни сифатли ва тўлиқ таъминлаш учун штат бириликни кўпайтириш, ходимларга талаблар белгилаш ва қўнимсизлигини олдини олиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

суд муҳокамасида прокурор иштирокини сифатли таъминлаш учун жиноят иши билан танишиш методикаси, шунингдек давлат айбловчисининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

жиноят-процессуал муносабатларда прокурорнинг ҳуқуқий мақомини тўлиқ ёритиб бериш мақсадида амалдаги қонун нормалари таҳлили асосида прокурорнинг жиноят процессидаги функцияси, жиноят иши бўйича суд муҳокамаларидаги прокурор функцияси, жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки, суд муҳокамасидаги прокурор илтимосномаси, суд муҳокамасида прокурорнинг фикри, прокурорнинг музокара нутқи, прокурор протести, протестни қайтариб олиш, процессуал тақдимнома тушунчаларига муаллифлик таърифи берилиб, ЖПКда акс эттириш зарурлиги таклиф этилган;

суд муҳокамасида жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал ҳужжатлари уни ҳаракатларини ифодалаш ва ўзига хос хусусияти, турлари мавжудлиги асосланганлиги, прокурорларга планшетлар берилиши орқали уларни қўллаш ишни енгиллаштиришга хизмат қилиши ҳақида хулосага келинган;

қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифалари ҳисобланишини инобатга олиб, жиноят-процессуал қонунчиликдаги суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақоми ва иштироки таҳлил этилган;

прокурор томонидан айбловни ўзгартириш ҳамда суд муҳокамасида қўллашнинг процессуал механизми ишлаб чиқилган;

биринчи инстанция судларида иштирок этадиган прокурордан юқори инстанция судларида иштирок этадиган прокурорларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, унинг вазифаси ҳамда мақсади тавсифланган, шу билан бирга, юқори инстанция суд муҳокамаларида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида суд муҳокамасида прокурор иштирокининг ягона амалиётини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри қўллашни шакллантириш мақсадида «Прокурор» автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий қилиш ҳамда уни республика прокуратуралари билан интеграция қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса асосланган;

шу билан бирга, жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасида иштирок

этишнинг амалий тажрибаси, билими ва кўникмаларига эга бўлган прокурорлар реестрини юритиш, амалий мактаб яратишга ҳамда ходимларга талаблар белгилаш, билим, малакасини оширишга қаратилган ўқув-методик ишланмалар зарурлиги ҳақидаги хулосага келинган;

турли ривожланган давлатлар тажрибасида мавжуд бўлган суд муҳокамасида ҳам «айбга иқрорлик ҳақидаги келишув» қоидаларини қўллашни, шунингдек, прокурор айбловдан воз кечган тақдирда агар жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) норози бўлса, «хусусий айблов» институтини амалдаги ЖПКга ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифлар илгари сурилган;

ЖПКга ишни соддалаштирилган тартибда кўриш бўйича янги боб киритиш таклиф этилган ва қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган, хусусан, жиноят ишларини кўриш тартибини соддалаштириш, процессуал чиқимларни камайтириш, жабрланувчига етказилган зарарни тез ва тўлиқ қоплаш мақсадида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини берадиган янги жиноий-процессуал институтлар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, миллий қонунчиликка жорий этиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, социологик тадқиқотнинг анкета, интервью шакллари асосланган, статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ечишга йуналтирилган ҳаракатлар моделининг методик хусусиятга эга тавсиялар орқали синовдан ўтказилганлиги, натижалари - фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этишга қаратилган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 3500 нафар прокуратура ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва 150 нафар терговга қадар текширув, суриштирув ходимлари, судья, адвокатлар ўртасида сўровномалар ўтказилган ҳамда жиноят ишларини ўрганиш, Олий суди ва Бош прокуратуранинг томонидан 2020-2023 йилларда қўрилган ишларнинг статистик таҳлили натижалари умумлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек, назарий жиҳатларига таяниш келгусида жиноят процессининг суд муҳокамасида қонун устуворлигини таъминлаш ва прокурор иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш, суд мажлиси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва тавсиялардан Жиноят-процессуал кодексини, прокуратура ва судлар тўғрисидаги қонунларни, Олий суд Пленумининг қарорларини, Бош прокурорнинг ишни судда юритишга оид идоравий ҳужжатларини ҳамда суд-тергов амалиёти тартиб-таомилларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратиши, натижалар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илмий тадқиқот ишларини, «Далиллар назарияси», «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Прокурорлик назорати», «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар», «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш» фанларини назарий жиҳатдан бойитишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари бўйича олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар асосида:

прокурор фикрининг, суд қарорларига нисбатан келтирилган протестларининг асослилиги каби прокурорнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари, унинг биринчи, юқори инстанциялар суд қарорларига протест келтириш ёки тақдимнома киритиш каби иштироки, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиш, ёзма фикрини мажбурий бўлиши ҳақидаги ҳамда унда акс этиши шарт бўлган талаблар юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Бош прокурорининг 2015 йил 27 ноябрдаги «Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги буйруғини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 17 апрелдаги 7/09-23/17-далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши суд муҳокамасида прокурор иштирокининг самарадорлигини оширишга, ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга, жиноят ишининг қонуний, асосланган ва адолатли ҳал этилишига хизмат қилган;

суд босқичида соддалаштирилган иш юритиш тартиб-таомилларини янада ривожлантириш, суд-тергов ҳаракатларининг инновацион шакллари ва услубларини жорий этиш, тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш асосида дастлабки эшитиш институтини жорий этиш орқали жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичини ислоҳ қилиш, шунингдек, прокурор айбловдан воз кечишининг процессуал механизминини яратиш, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтини янада ривожлантириш билан боғлиқ таклифлардан Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3723-қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 9 июндаги 27/2-178-23-далолатномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши қонунчиликдаги прокурор фаолиятини такомиллаштириш ва енгиллаштириш, процессуал чикимларнинг камайиши ҳамда суд мажлиси иштирокчилари

ортикча сарсон бўлишининг олдини олишда самарали хизмат қилган;

суд муҳокамасида прокурор иштироки ҳамда уни ўзгартириш асослари ва тартибини белгилаш, дастлабки эшитувни ўтказиш ҳақида илтимосномалар бериш муддатлари ҳамда суд муҳокамасида прокурорнинг янги далилларни тақдим этиш, айбловдан воз кечиш ёки айбловни ўзгартиришнинг процессуал механизмини, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув бўйича ҳукм юзасидан протест келтириш ҳақидаги таклифларидан Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 26 сентябрдаги 27/2-303-23-далолатномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши қонунчиликдаги коллизия ҳолатларнинг бартараф этилиши, бўшлиқлар тўлдирилиши, прокурор фаолиятини самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

суд мажлисида ўзининг мақомига кўра иштирок этиши мумкин бўлган прокурорлар доирасини белгилаш процесс иштирокчиларининг масъулиятини ошириши, бу эса иш сифатига таъсир этиши, инсон ҳуқуқларини таъминлаши сабабли жиноят ишини вилоят ва унга тенглаштирилган судда кассация тартибида кўришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ёки улар томонидан ваколат берилган прокурор иштирок этиши, ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судида тафтиш тартибида кўришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосари ёки улар томонидан ваколат берилган прокурор иштирок этиш тартибини жорий қилиш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексини тайёрлаш ва такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш масалалари кўмитасининг 2023 йил 29 сентябрдаги 70-далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилганлиги юқори инстанция судларида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолатига хизмат қилган.

прокурорнинг судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки ва ваколатлари, суд ҳукми, ажрими ва қарорларига протест келтириш, уни ўзгартириш, тўлдириш ёки қайтариб олишнинг тартиб ва тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлардан «Прокуратура тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 26 сентябрдаги 27/2-302-23-далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши халқаро амалиётда эътироф этилган илғор тажрибалар асосида жиноят-процессуал муносабатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўлақонли таъминланишига хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда (тўрттаси халқаро, учтаси республика миқёсида) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 23 та илмий мақола

шундан докторлик диссертациялари асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та (3 таси хориж нашрларда) ва 7 тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми – 251 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштирокининг назарий хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида мавзунинг илмий-назарий жиҳатлари таҳлил қилинган бўлиб, прокурор фаолиятининг ҳуқуқий асослари, принциплари, функцияларига доир илмий таълимотлар ҳамда назарий-ҳуқуқий тушунчалар, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида илгари сурган концептуал ғоялар мазмуни чуқур таҳлил қилиниб, комплекс ўрганилган.

Прокурорнинг соҳага доир фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шартли равишда қуйидагича таснифланган: а) халқаро умумэтироф этилган ҳужжатлар (*Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Резолюция, стандартлар ва бошқалар*); б) умумий қоидаларни белгиловчи раҳбарий ҳужжатлар (*Ўзбекистон Конституцияси*); в) прокурор фаолиятининг процессуал, ташкилий ва амалий жиҳатларини бевосита тартибга солишга қаратилган ҳужжатлар (*«Прокуратура тўғрисида»ги қонун, Жиноят-процессуал кодекси, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари, Олий суд Пленумининг қарорлари ва б.*); г) прокуратура фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (*Ўзбекистон Президентининг фармон ва қарорлари, давлат органларининг қўшма қарорлари ва б.*).

Шунингдек, тадқиқотда суд муҳокамасида прокурор фаолиятида қўлланадиган принципларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларни умумий ва махсус принципларга ажратиш зарурати асослантилган.

Б.Н.Рашидов, М.М.Мамасиддиқов, У.А.Тўхташева, З.Ф.Иноғомжонова, Ф.М.Муҳиддинов, З.С.Ибрагимов, Г.Тўлаганова, Б.А.Тугутов, А.И.Тошпўлатов, Е.Р.Ергашев, Л.А.Курочкина, Н.В.Буланованинг жиноят процесси принциплари ҳақидаги қарашлари таҳлил қилиниб, «прокурор иштирокининг мажбурийлиги», «одил судловни амалга оширишга

кўмаклашиш», «ошкоралик», «адолатлилик», «процессуал мустақиллик» каби прокурор фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи махсус принциплар қонунчилик мазмунидан акс этиши асослантилган.

Дунёда прокуратура жинойт ҳуқуқий-таъқибни амалга оширадиган ҳамда жамиятда қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилишини назорат қиладиган орган сифатида намоён бўлиши эътироф этилиб, диссертацияда прокуратура органларининг ҳар икки фаолият йўналишида ҳам прокурорнинг жинойт ишлари кўрилишида иштирок этиш функцияси мавжудлиги асослантилган.

Шунингдек, тадқиқотда Б.Х.Пўлатов, М.С.Строгович, И.Д.Перлов, В.И.Каминская, В.М.Савицкий, П.С.Экин, Г.Н.Агаева, В.И.Басков, С.Г.Березовская ва бошқа олимларнинг жинойт-процессуал муносабатларда прокурорнинг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги қарашлари тадқиқ этилиб, улар шартли равишда уч гуруҳга бўлинган. Диссертантнинг фикрича, прокуратура органлари фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг жинойт процессида қуйидаги мазмундаги икки хил функцияси мавжудлиги асослантилган: *биринчиси* – терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилиш; *иккинчиси* – суд босқичида ўз ваколатлари доирасида қонунийликни таъминлаш орқали иштирок этиш.

Шу нуқтаи назардан, прокурор ўз ваколатлари доирасида суд муҳокамасида иштирок этиб, *биринчидан*, айбловни асослилиги ва қонунийлигини таъминлаш орқали қувватлаш, *иккинчидан*, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, *учинчидан*, жинойтчиликка қарши курашиш орқали махсус функцияларни амалга ошириши ҳақидаги ҳулосага келинган.

Айбловни қувватлаш айбловнинг қонуний ва асослилигини таъминлашда, ҳуқуқни ҳимоя қилиш эса шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шу билан бирга жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жинойтчиликка қарши курашиш эса суд муҳокамасида ҳар бир ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳолатларга муносабат билдиришда ҳамда у орқали жамоатчилик ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир этишининг олдини олишда намоён бўлиши ҳақида фикр билдирилган.

Параграф доирасида диссертант биринчилар каторида «*прокурорнинг жинойт процессидаги функцияси*», «*жинойт процессининг суд муҳокамаларидаги прокурор функцияси*» ва «*жинойт процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки*» тушунчаларига нисбатан ўзининг таърифини берган. Мазкур тушунчалар суд муҳокамасида прокурор иштирокининг назарий масалаларини тўлиқ ёритишга, илмий мактабни шакллантиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Жинойт ишини биринчи инстанция судида кўришда прокурор иштирокининг амалиёти» деб номланиб, унда биринчи инстанция судида жинойт ишлари кўрилишида, дастлабки эшитув босқичида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, суд муҳокамасида айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув кўрилишида прокурорнинг ўрни, шунингдек мазкур босқичда прокурор расмийлаштириши

мумкин бўлган процессуал ҳужжатларнинг таснифи ва аҳамияти чуқур таҳлил қилинган.

Б.Х.Пўлатов, О.Мадалиев, З.С.Ибрагимов, Н.В.Кулик, В.Ф.Крюков, Н.В.Буланова, Л.П.Чумаков, В.А.Лазарева, С.Я.Розенблит каби олимларнинг биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокига оид фикрлари комплекс таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, жиноят ишини биринчи инстанция судида кўриб чиқишда прокурорнинг иштирокини қуйидагича таснифлаш мумкин: *биринчидан*, жиноят ишини суддан чақириб олиш; *иккинчидан*, суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш мақсадида жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш; *учинчидан*, дастлабки эшитув босқичида иштирок этиш ва ўтказиш тўғрисида илтимоснома киритиш; *тўртинчидан*, жиноят ишининг суд муҳокамасида қатнашиш.

Статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судларида 2019 йилда 18 564 та, 2020 йилда 30 282 та, 2021 йилда 47 657 та, 2022 йилда 58 806 та, 2023 йилнинг 6 ойида 28 390 та иш кўриб чиқилган. Эътиборли томони шундаки, 2020 ва 2022 йилларда кўрилган ишларнинг қиёсий таҳлили улар кескин кўпайганини кўрсатади. Тадқиқотчининг назарида айнан мазкур омил биринчи инстанция судларида давлат айбловини қувватлайдиган прокурорлар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки мазкур йилларда прокуратура органлари тизимининг штат тузилмаларида ўзгариш бўлмаган. Бу эса ходимнинг иш юкламаси икки баробар ошишига сабаб бўлган.

Биринчи параграфда прокурорнинг жиноят ишини суддан чақириб олиш, прокурорнинг биринчи инстанция судидаги фаолиятининг айрим жиҳатларини қонун ҳужжатларида акс эттириш, прокурорнинг ишда иштирок этиши учун жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ҳамда суд муҳокамасида прокурорнинг алмаштирилишига доир тартибларни ишлаб чиқиш, прокурорнинг дастлабки суд эшитув босқичидаги ваколатларини белгилаш, шунингдек суд муҳокамасида прокурор фаолиятига доир статистик маълумотлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган бошқа муаммолар таҳлили асосида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Масалан, амалдаги ЖПКда жиноят ишини юқори инстанция судларида кўришда прокурорнинг иштироки мажбурийлиги белгиланган бўлса-да, лекин айнан қайси прокурорнинг иштирок этиши хусусида махсус норма мавжуд эмас. Мазкур омилни инобатга олиб, диссертант ЖПКни «*Ишларнинг биринчи инстанция судида кўрилишида прокурорнинг иштироки*» номли 408¹-модда билан тўлдириб, унда ушбу босқичда айнан қайси прокурорлар иштирок этиши мумкинлигини кўрсатган. Шунингдек, прокурор жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахс эканлиги ҳамда жиноят-процессуал муносабатларда унга исботлаш, яъни жиноят иши доирасида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш мажбурияти юклатилганини инобатга олиб, диссертацияда ЖПКнинг 81-моддасида қайд этилган субъектлар доирасига прокурорни ҳам киритиш зарурати асослантирилган.

Маълумки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса-да, лекин суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор ўзининг айрим ваколатларини илтимоснома киритиш ёки далилларни тақдим этиш орқали амалга оширади. Мазкур тушунмовчиликка барҳам бериш мақсадида, диссертант Россия, Беларусь, Қозоғистон, Германия ва Франциянинг жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил қилиш асосида амалдаги ЖПКнинг 409-моддасида «илтимоснома киритиш» ва «далилларни тақдим этиш» ваколатларини ақс эттириш лозимлигини асослаб берган.

Шу билан бирга, суд тергови маълумотлари асосида прокурор судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириш зарур деган хулосага келса, бу ҳақда судга асослантирилган баёнот бериши шартлиги белгиланган. Лекин тадқиқотчининг назарида, амалдаги қонунчиликда прокурорнинг мазкур ваколатини амалга ошириш асослари ва процессуал тартибининг аниқ механизми йўқлиги сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликлар юзага келмоқда.

Шунга кўра, ЖПКда прокурорнинг судланувчи аҳволини енгиллаштирувчи томонга ўзгартириш асосларини белгилаш, шунингдек, биринчи инстанция судларида прокурорнинг айрим ҳолатларда айбловни оғирлаштирувчи томонга ўзгартириши зарурати асосланган.

Дастлабки эшитув босқичида *прокурор иштироки* мажбурийлиги ҳақида хулосага келиниб, унга қуйидаги ваколатлар берилиши лозимлиги асослантирилган: *биринчидан* илтимоснома бериш; *иккинчидан*, иштирок этиш; *учинчидан*, кўрилаётган масала юзасидан фикр ёки эътироз билдириш; *тўртинчидан*, иш натижаси бўйича қабул қилинган қарорга протест келтириш ваколатига эгаллиги ҳақидаги янги фикрлар илгари сурилди. Шунингдек, диссертант томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилган.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида биринчи инстанция суди муҳокамасида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлиши ҳақида хулосага келинган: *биринчидан*, айбловнинг қонуний ва асослилигини қувватлайди; *иккинчидан*, давлат органи вакили сифатида иштирок этади; *учинчидан*, қонуннинг тўғри қўлланиши ва ишнинг адолатли ҳал этилиши юзасидан ўз муносабатини билдиради; *тўртинчидан*, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилади; *бешинчидан*, ҳимояга муҳтож, ночор шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилади; *олтинчидан*, айблов ўз тасдиғини топмаса, уни ўзгартириш, қисман тугатишни сўрайди ёки айбловдан воз кечади; *еттинчидан*, жиноятчиликка қарши курашади.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «*Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни суд муҳокамасида кўришда прокурор иштироки*» деб номланган бўлиб, унда бундай келишувнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, суд муҳокамасида прокурор ваколатлари, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни қўллашда юзага келаётган муаммолар, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этилган.

Тадқиқотда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ҳам умумий ҳуқуқ тизими (Буюк Британия, АҚШ), ҳам континентал ҳуқуқ тизими (Бельгия, Нидерландия, Испания, Италия, Германия, Франция) давлатлари жинойт иши юритувида самарали қўлланиши ҳамда унинг ривожланиши ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий асосларидан келиб чиқиб ўзига хос хусусиятларга эгаллиги таъкидланган. Шунингдек, ушбу институтни қўллашда ижобий тажрибага эга бўлган АҚШ, Канада, Италия, Буюк Британия, Австралия, Франция, Эстония, Ҳиндистон, Япония, Чехия тажрибаси ўрганилган. Маълум бўладики, мазкур институтнинг самарали қўлланишида прокурор марказий ўринда ҳисобланади. Лекин айбга иқрорлик келишуви миллий қонунчилигимизга янги жорий қилингани сабабли шу кунга қадар тадқиқот объекти сифатида унда прокурор иштироки ва унинг мақоми ўрганилмаган.

Тадқиқотчининг фикрича, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни суд муҳокамасида кўрилишида *прокурор иштироки* мажбурийлиги ва ваколатлари, ушбу институтнинг ўзига хос хусусиятлари тавсифланди.

Шунингдек, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид суд муҳокамасида прокурор иштироки ва бошқа жинойт ишлари кўрилишидаги иштироки қиёсий таҳлил қилиниб, фарқли жиҳатлари тавсифланиб, суднинг ҳукмига протест келтириш ваколати қонунда белгиланмаганлиги сабабли прокурор уни келтиришга ҳақли эмаслигини тўғрисида фикрга келган.

Бироқ, ЖПКнинг 586³-моддаси бешинчи қисмида айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузганидан сўнг келишувда назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларни бажармагани аниқланса, прокурор ҳукм қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини келишув тузиш ҳақида илтимоснома берган гумон қилинувчига, айбланувчига тушунтириш белгиланган. ЖПКда эса, ҳукмга қандай тартибда протест келтириш ва қайта кўриб чиқиш механизми ва асослари белгиланмаган. Шу боис, қонунга ушбу ҳолатда прокурорнинг протест келтириш ваколати ва ишларни юқори инстанцияда кўриб чиқиш, суд ҳукмини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш асосларини киритиш лозимлиги ҳақида хулоса қилинган.

Диссертант норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ва олимлар, хусусан, Б.Х.Пўлатов, У.А.Тўхташева, О.М.Мадалиев, Ш.Абдуқодиров, М.З.Ражабова, А.А.Терёхин, Ю.И.Стецовскийлар билан илмий мунозарага киришган ҳолда суд муҳокамасида прокурор расмийлаштириши мумкин бўлган процессуал ҳужжатлар таснифини ишлаб чиққан. Мазкур босқичда прокурорнинг процессуал ҳужжатлари биринчи марта комплекс таснифланиб, уларнинг аҳамияти, хусусияти очиб берилган. Хусусан, амалдаги жинойт-процессуал қонунчиликка мувофиқ прокурор суд муҳокамасида қуйидаги процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш орқали ўз ваколатларини амалга оширади: 1) *илтимоснома келтириш*; 2) *фикр билдириш*; 3) *эътироз билдириш*; 4) *даъво аризаси келтириш*; 5) *протест (хусусий протест) келтириш*; 6) *тақдимнома киритиш*.

Биринчи инстанция судида прокурорнинг фикри билан унинг музокара нутқи фарқланиши, шунингдек, прокурорнинг музокара нутқи ўзининг

мазмунига кўра айблов, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечишга бўлиниши тавсифланган.

Диссертант жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида кўплаб баҳсга сабаб бўлган Ш.Абдуқодиров ва О.Мадалиевларнинг «*прокурор протести*» жумласини ўзгариш ҳақидаги фикрлари бўйича мунозарага киришиб, қонунчиликда прокурорнинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд қарорларига нисбатан келтирадиган процессуал ҳужжати «протест» деб юритилиши моҳиятан суднинг мустақиллигига ёки жиноят-процессуал муносабатларда тарафларнинг тенглигига даҳл қилмайди деган хулосага келган.

Олимларнинг илмий қарашлари асосида «протест» билан «хусусий протест»нинг ўзига хос фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳам таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Олий суди Пленуми қарорларида протестни қайтариб олиш тўғрисидаги мурожаат келиб тушгандан сўнг суд томонидан амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар қисман белгиланган бўлса-да, лекин уларнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда ўз ифодасини топмагани тушунарсиздир. Диссертантнинг фикрича, улар бевосита жиноят-процессуал қонунда белгиланиши зарур. Чунки мазкур процессуал ҳаракат жиноят иши бўйича якуний қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг учинчи боби «Юқори суд инстанцияларининг суд муҳокамасида прокурор иштирокининг асослари» деб номланган бўлиб, унда апелляция инстанцияси суди муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақоми, қонуний кучга кирган суд қарорларини юқори суд инстанциясида текширишда прокурор иштироки, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масалани судда кўриб чиқишда прокурор иштирокининг хусусиятлари чуқур таҳлил қилиниб, илмий ва амалий хулосалар қилинган.

Апелляция инстанцияси суди муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақоми Б.Х.Пўлатов, О.М.Мадалиев, В.Ю.Бреанский, С.Гуценко, А.Смирнов, В.Божьев, К.А.Комогорцева, В.Ф.Крюков, I.Caminschi, M.Iuga, V.Păvăleanu, I.Neagu, D.Calendari каби олимларнинг илмий асарлари асосида ўрганилиб, муаллифнинг хулосаси берилган.

Шунингдек, қонуний кучга кирган суд қарорларини юқори суд инстанциясида текширишда прокурор иштироки, унинг вазифаси, функцияси муҳокама қилинган ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилган. Бу борада тадқиқот олиб борган З.С.Ибрагимов, У.А.Тўхташева, К.Роскин, А.Н.Разинкина, К.А.Гуценко, Л.В.Головко каби олимларнинг фикрлари ўрганилган.

Хусусан, қонуний кучга кирган суд қарорларини юқори инстанция суди муҳокамасида текширишда прокурорнинг *вазифаси* қуйи судлар томонидан йўл қўйилган қонунбузилишлар бартараф этилишини таъминлаш, жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, қонунийликни таъминлаш орқали тиклаш, шунингдек, судга қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишда кўмаклашишдан иборатдир эканлиги асосланган.

Қонуний кучга кирган суд қарорлари юқори инстанция судлари муҳокамасида кўрилишида иштирок этаётган прокурор: суд муҳокамасида

иштирок этиш; эътироз ва илтимосномалар келтириш; жиноят процесси иштирокчилари билдирган илтимосномаларга ўз фикрини билдириш; ҳолат юзасидан тарафларга саволлар бериш, далилларни текширишда қатнашиш; протестда кўрсатилган важлар ҳақида ўз фикрини билдириш, шунингдек шикоятда келтирилган важлар юзасидан эътироз билдириш; суриштирув, тергов ҳаракатларининг процессуал жиҳатларига баҳо бериш; суд қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги юзасидан ёки ишнинг якуни бўйича фикрини билдириш ваколатларига эга эканлиги асосланган.

Бундан ташқари, Франция, Австралия, Германия, Бельгия, Италия каби ривожланган давлатлар қонунчилигида жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси судларида юқори турувчи прокурор иштирок этиши назарда тутилгани, шу билан бирга бу ҳуқуқ зарурати асосланганлиги, диссертант қайд этилган субъектларга ҳам кассация суди муҳокамасида қатнашиш ваколоти берилиши, бундан ташқари, такрорий кассация (ёки тафтиш) инстанциясида прокурор иштироки масаласи тартибга солинмагани сабабли Ўзбекистон Бош прокурори, унинг ўринбосари ёки улар ваколат берган прокурор иштирок этиши мумкинлиги ҳақидаги қонундан белгиланган мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклифни илгари сурган.

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги масалани суд томонидан кўриб чиқишда қатнашаётган прокурорнинг ваколатлари миллий олимларнинг тадқиқотида деярли таҳлил қилинмаганлиги, бундан ташқари, амалий нуқтаи назардан Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида ҳам тушунтиришлар берилмаганини муаммо сифатида кўтариб, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар, назарий фикрларни билдирган.

Жиноят-процессуал қонунчилик мазмунидан мазкур масалани суд томонидан кўриб чиқишда иштирок этаётган прокурор: *биринчидан*, ишда иштирок этиш, *иккинчидан*, ҳолат юзасидан тарафларга саволлар бериш, *учинчидан*, илтимоснома бериш, *тўртинчидан*, фикр билдириш ваколатларига эга эканлиги таснифланган.

Бундан ташқари, диссертант МДХга аъзо давлатлар Жиноят процессуал кодекси модели қоидаларида, шу билан бирга, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон қонунчилиги талаблари таҳлилидан келиб чиқиб, бизнинг ЖПКнинг 522-моддасига янги ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш, у бўйича иш юритиш тартибини ҳамда асосларини белгиланган лозим деган ҳулосага келган.

Прокурорнинг ушбу йўналишдаги ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Бош прокурорининг 2015 йил 27 ноябрдаги «Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги буйруғини янги таҳрирда қабул қилиш юзасидан таклиф билдирган.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби «Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки бўйича хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболи» деб номланиб, унда МДХга аъзо давлатлар ва ривожланган бошқа хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида жиноят

процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки билан боғлиқ нормалар қиёсий-ҳуқуқий ҳамда назарий таҳлил қилиниб, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилган.

Айрим ривожланган давлатлардаги суд муҳокамасида прокурор иштироки билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилган С.П.Шерба, Т.А.Решетникова, О.С.Капинус, А.Г.Халиулин, К.Ф.Гуценко, Bernm Uliyam, Soubise Laurène, Eberhard Siegismund, Kramer Urs, Hinrichsen Tim, Jimeno Bulnes, M.Gunn, Zedner Lucia, Gary Kok, A.G.Volevodz каби олимларнинг илмий асарлари ўрганилиб, муаллифнинг нуқтаи назари баён этилган.

АҚШ, Франция, Испания, ГФР каби ривожланган давлатларнинг процессуал қонунчилиги таҳлили асосида прокурор судланувчининг, шунингдек суд муҳокамаси бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг кафолати ҳисобланиши, қонун талабларидан келиб чиқиб ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб юқори инстанция судларида давлат айбловини қўллаб-қувватлаши, ўз вазифаларини бажаришда мустақил ва фақат қонунга бўйсунуши, биринчи инстанция судида ишни кўриб чиқишда иштирок этмаган юқори турувчи прокурор биринчи инстанция судининг ҳукмига апелляция протест келтириш «тортишувчанлик принципи»ни бузиш ҳисобланиши ҳақида хулосага келинган.

Турли ривожланган давлатлар (АҚШ, Италия, Сингапур, Дания ва б.) тажрибасида мавжуд бўлган суд процессининг суд муҳокамасида прокурор ва адвокат ўртасида айбланувчининг жазосини енгилроғига алмаштиришга қаратилган «айбга иқдорлик ҳақидаги келишув» қоидаларининг миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниши қатор ижобий ҳолатларга хизмат қилиши тўғрисида таклиф билдирилган.

Илғор хорижий давлатлар (Германия, Япония, Россия, Қозоғистон ва б.) қонунчилигидаги прокурор айбловдан воз кечган тақдирда агар жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) норози бўлса, «хусусий айблов» институтини амалдаги ЖПКга ҳам жорий қилиш зарурлиги, бу эса прокурорнинг айбловдан воз кечиш механизмини такомиллаштиришга ҳамда жабрланувчи (фуқарвий даъвогар) ва унинг вакилини ҳуқуқ ва эркинликларига хизмат қилади.

Шунингдек, ЖПКда соддалаштирилган тартибда иш юритиш тартиби алоҳида кўрсатилмаганлиги, айрим хорижий давлатларнинг қонунчилигида мазкур институт алоҳида боб сифатида белгилангани ва унинг бир неча кўриниши мавжудлиги, жумладан, «буйруқ тартибида иш юритиш» институти Германия, Франция, Эстония ва бошқа давлатларнинг процессуал қонунчилигида белгилангани қайд этилган.

Шу сабабли, ЖПКга қўшимча киритиб, соддалаштирилган тартибда иш юритиш институтини жорий қилиш ва кодексга «Буйруқ тартибида иш юритиш», «Судланувчи ўзига қўйилган айбловга иқдор бўлган тақдирда алоҳида тартибда суд қарори қабул қилиш» деб номланган янги бобларни киритиш мақсадга мувофиқлиги асосланганлиги билдирилган.

ХУЛОСА

Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштирокини таҳлил қилиш натижасида тадқиқот доирасида қуйидаги назарий, амалий-ташқилий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилади.

I. Илмий-назарий хулосалар.

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга нисбатан замонавий ёндашувдаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди ва уларни қонунчиликка киритиш зарурати асослантилди:

– *прокурорнинг жиноят процессидаги функцияси* – жиноят процесси вазифа ва мақсадларини амалга ошириш учун прокурорнинг ваколатлари доирасини, иш юритиш механизмидаги ролини, процесснинг бошқа иштирокчиларидан фарқли жиҳатлари ва ўрнини аниқлашга имкон бериш мезонидир;

– *жиноят процессининг суд муҳокамаларидаги прокурор функцияси* – суд жараёнларида жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифа, мақсад ва принципларини амалга оширишга қаратилган ваколатлар йиғиндисидир;

– *жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки* – унга юклатилган функция орқали жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ваколоти доирасида суднинг барча босқичларида давлат вакили сифатидаги фаолиятидир;

– *суд муҳокамасидаги прокурор илтимосномаси* – жиноят процессида суд ҳаракатларини амалга ошириш учун фикрини баён этишга, муайян жараён, ҳолат юзасидан процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини руёбга чиқаришга қаратилган ёзма ёки оғзаки мурожаатидир;

– *суд муҳокамасида прокурорнинг фикри* – иш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган, муайян ҳаракат амалга оширилишини ёки рад этилишини ифодаловчи, суд мажлисида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган ички ишончга таянадиган баёнидир;

– *прокурорнинг музокара нутқи* – прокурорнинг суд музокара босқичидаги судланувчининг жиноят содир этишда айбдорлигини исботлаш ёки рад этишга қаратилган, асослантилган, ички ишончга таянган нутқидир;

– *прокурор протести* – прокурор томонидан суднинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳукми ёки ажримига нисбатан қонунда белгиланган ваколоти ва асослари доирасида суд инстанцияларига келтириладиган, мазмунан суд қарорини ўзгартириш ва бекор қилиш асосларига, таклифларига эга бўлган ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал ҳужжатдир;

– *протестни қайтариб олиш* – прокурорнинг жиноят ишини суд инстанцияларида кўриб чиқмаслик ва протестни уни киритган прокуратура мансабдор шахсига қайтариш ҳақидаги расмий илтимоснома тарздаги мурожаати;

– суд ишларини юритишдаги *процессуал тақдимнома* – прокурор ваколатлари доирасига протест келтириш кирмаган ҳолларда унинг юқори турувчи прокурорга протест келтириш тўғрисидаги мурожаатидир;

2. *Прокурорнинг соҳа фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари шартли равишда тўрт гуруҳга таснифланди*: а) халқаро умумэътироф этилган асослар; б) умумий қоидаларни белгиловчи раҳбарий асослар; в) бевосита соҳани процессуал, ташкилий ва амалий жиҳатларни тартибга солишга қаратилган асослар; г) фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

3. Прокурорнинг жиноят процессининг суд муҳокамасидаги фаолиятига доир принциплар умумий ва махсус принципларга ажратилди. *Махсус принциплар* судда жиноят ишларини юритишда процесс иштирокчиси сифатида прокурор фаолиятига тегишли бўлган, раҳбарий принцип қоидаларига зид бўлмаган, жиноят-процессуал қонунчилик нормалари мазмунидан келиб чиққан ҳамда прокурорнинг процессуал фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатларини ажратиб берувчи «прокурор иштирокининг мажбурийлиги», «одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш», «ошқоралик», «адолатлилик», «процессуал мустақиллик» принциплар қонунчилик мазмунидан акс этиши асослантилган.

4. Прокурор фаолиятининг хусусиятига қараб жиноят процессида икки хил функцияси мавжудлиги жиноят процесси ҳуқуқида илк бор янги мезон сифатида асослантилди, хусусан: а) терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилиш; б) суд босқичида ўз ваколатлари доирасида қонунийликни таъминлаш.

Прокурор ўз ваколатлари доирасида суд муҳокамасида иштирок этиш орқали умумий функцияни амалга оширса, *биринчидан*, айбловнинг асослилиги ва қонунийлигини таъминлаш орқали қувватлаши, *иккинчидан*, ҳуқуқни ҳимоя қилиши, *учинчидан*, жиноятчиликка қарши курашиш орқали махсус функцияларни амалга оширади.

Жиноят-процессуал қонунчиликда суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал-функцияси зарурий аҳамият касб этиши билан характерланади. Прокурорнинг асосий функцияси бўлган суд ишларини юритишда тортишув принципида назарда тутилган айбловни қонунийлиги ва асослилигини тўлиқ ва сифатли таъминлаш орқали ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш каби қўшимча функциялар таъминланади. Шунга кўра, юклатилган функцияни тўлиқ ва сифатли таъминлаш эса суд муҳокамасида иштирок этадиган прокурорлар сонини худудларда мавжуд судьялар штат бирлиги ва жиноят ишлари салмоғига мутаносиблигини таъминлаш орқали амалга оширилиши ҳақидаги ҳулосага келинди.

5. Дастлабки эшитувнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари тавсифланган ҳамда ушбу босқичда *прокурор иштироки* мажбурий аҳамият касб этиши ҳақидаги ҳулосага келинган, унинг ваколатлари: *биринчидан*, илтимоснома бериш; *иккинчидан*, иштирок этиш; *учинчидан*, кўрилаётган

масала юзасидан фикр ёки эътироз билдириш; *тўртинчидан*, иш натижаси бўйича қабул қилинган қарорга протест келтириш.

6. Биринчи инстанция судида прокурор ваколатларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлиши асослантирилган: *биринчидан*, айбловнинг қонуний ва асослилигини жинойт иши ҳужжатларидан келиб чиқиб асослайди; *иккинчидан*, давлат органи вакили сифатида иштирок этади; *учинчидан*, қонуннинг тўғри қўлланиши, ишнинг адолатли ҳал этилиши юзасидан ўз муносабатини билдиради; *тўртинчидан*, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилади; *бешинчидан*, ҳимояга муҳтож, ночор шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилади; *олтинчидан*, айблов ўз тасдиғини топмаса, уни ўзгартиришни сўрайди ёки айбловдан воз кечади; еттинчидан, жинойтчиликка қарши курашади.

7. *Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг ўзига хос хусусиятлари тавсифланди* ва мазкур тоифадаги суд муҳокамасида *прокурор иштироки* мажбурий эканлиги, прокурор, *биринчидан*, судда кўришда иштирок этиш; *иккинчидан*, масала юзасидан илтимоснома келтириш; *учинчидан*, фикр ёки эътироз билдириш; *тўртинчидан*, суднинг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни рад этиш ва жинойт ишини прокурорга юбориш тўғрисидаги ажримлари устидан протест келтириш ваколатига эга.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг суд муҳокамасида прокурор иштироки бошқа ишлардаги иштирокидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланиши асослантирилди: *биринчидан*, айбга иқрорлик тўғрисидаги ишларни судда кўришда прокурор давлат айбловини қувватламайди, далилларни текширишда қатнашмайди, чунки бу тоифадаги ишларда суд тергови ўтказилмайди; *иккинчидан*, ишни якуни бўйича судланувчининг айбли ёки айбсизлиги тўғрисида музокара нутқини баён этмайди, балки келишувни тасдиқлаш ёки рад этиш юзасидан, шу билан бирга жазо масаласида ўз фикрини билдиради; *учинчидан*, суднинг ҳукмига протест келтириш ваколати қонунда белгиланмагани сабабли уни келтиришга ҳақли эмас.

8. ЖПКда процессуал ҳужжат тушунчаси белгиланмаган бўлса-да, у жинойт процессининг ҳар бир босқичининг муҳим элементи бўлиб, улардаги барча ҳаракатлар натижасини ўзида мужассамлаштиради. Шу нуқтаи назардан прокурор суд муҳокамасида қуйидаги процессуал ҳужжатларни қўллаш орқали ўз ваколатларини амалга ошириши ҳақида хулосага келинди: 1) *илтимоснома бериш*; 2) *фикр билдириш*; 3) *эътироз билдириш*; 4) *даъво аризасини бериш*; 5) *протест (хусусий протест) келтириш*; 6) *тақдимнома киритиш*.

9. Биринчи инстанция судида прокурорнинг фикри билан унинг музокара нутқи фарқланиши, жумладан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини, ярашув, амнистия актини қўллаш, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга оид алоҳида тоифадаги жинойт ишлари бўйича прокурор фикр билдириши; умумий тартибда иш кўриш натижаси бўйича, шунингдек, вояга етмаганларга оид алоҳида тоифадаги жинойт иши бўйича прокурор музокара нутқини баён

қилиши ҳақидаги фикр илгари сурилди. Прокурорнинг музокара нутқи *айблов, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш* турларига бўлиниши ҳақидаги хулосага келинди.

10. Олимлар ўртасида кўплаб мунозарага сабаб бўлган «*прокурор протести*» жумласини ўзгартириш ҳақидаги фикрлар бўйича мунозарага киришилиб, қонунчиликда прокурорнинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд қарорларига нисбатан келтирадиган процессуал ҳужжатини «*протест*» деб юритиш суднинг мустақиллигига ёки суд процессида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги қонунчилигига таъсир этмаслиги, шу сабабли прокурорнинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд ҳукми, ажримига «*протест*» келтириши ЖПК талабларига монанд тарзда қўлланган деган хулосага келинди.

11. ЖПКда *прокурорнинг протести ва «хусусий протести» мавжуд бўлиб, уларнинг фарқи ва ўхшаш жиҳатларини ажратиш*, хусусан: прокурор протести суднинг ҳукми ва юқори инстанция судининг ажримига нисбатан келтирилса, хусусий протест биринчи инстанция судининг ажримларига (жумладан, дастлабки эшитув, биринчи инстанция судининг ажрими, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, ярашув ҳақидаги илтимосномалар, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни рад этиш ажримлари, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ажримлари) келтирилади. Шу билан бирга, «протест» ва «хусусий протест»нинг *ўхшаш жиҳатлари* мавжуд бўлиб, ЖПКнинг 497⁸ ва 501-моддаларида прокурор протестида акс этиши шарт бўлган талаблар хусусий протестга ҳам тааллуқли ҳисобланади.

12. *Апелляция инстанцияси судида иштирок этаётган прокурор биринчи инстанция суди муҳокамасида қатнашаётган прокурордан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланиши кўрсатилди: биринчидан*, биринчи инстанция судида прокурор «давлат айбловчиси» процессуал мақоми билан иштирок этса, апелляция инстанциясида «прокурор» процессуал мақоми билан қатнашади; *иккинчидан*, биринчи инстанция судида давлат айбловчиси айблов хулосаси ёки далолатномасининг хулоса қисмини баён этса, апелляция инстанцияси судида прокурор протестда келтирилган важларни баён этади; *учинчидан*, прокурор биринчи инстанция судида жиноий ҳолатни текширишда иштирок этиб, унга ўз баҳосини берса, апелляция инстанцияси судида мазкур жиноий ҳолат юзасидан чиқарилган ҳукм ёки ажримнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига баҳо беради; *тўртинчидан*, прокурор биринчи инстанция судида суриштирув, терговнинг ҳаракатларига ҳам баҳо берса, апелляция инстанцияси судида нафақат суриштирув, тергов органига, балки биринчи инстанция судининг, унда қатнашган прокурорнинг ҳам ҳаракатларига баҳо беради.

Биринчи инстанция суди муҳокамасида иштирок этадиган прокурор билан апелляция инстанцияси судида қатнашадиган прокурорнинг фарқи жиҳатлари бўлса-да, бироқ уларнинг *мақсади* қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган.

13. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ апелляция инстанцияси суди муҳокамасида прокуратура органининг вакили «прокурор» процессуал мақоми билан иштирок этади ва жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатда унинг процессуал мақоми унга юклатилган ваколатларни амалга оширишда юзага келади;

– апелляция инстанцияси судида иш кўрилишида прокурор протест келтирганидан қатъи назар иштирок этиши шарт;

– Жиноят-процессуал кодексининг ҳуқуқий тузилиши прокурорнинг суд муҳокамасида айблов тарафи сифатида процессуал мақомга эгаллигини кўрсатса-да, бироқ процессуал нормалар ва унга юклатилган ваколатлар мазмуни унинг процессуал мақоми кенгроқ эканлигини намоён этади;

– апелляция инстанцияси суди муҳокамасида ҳам прокурор учта функцияни бажариши, яъни давлат айбловининг қонуний ва асослилигини таъминлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш функцияларини амалга ошириши; бу функциялар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, алоҳида таъминлашнинг имкони йўқ.

14. Қонуний кучга кирган суд қарорларини юқори инстанция суди муҳокамасида текширишда прокурорнинг *вазифаси* қуйи судлар йўл қўйган қонунбузилишларнинг бартараф этилишини таъминлаш, жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, шунингдек, судга қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишида кўмаклашишдан иборат.

15. Жиноят-процессуал қонунчилик мазмунидан янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақидаги ишларни суд томонидан кўриб чиқишда иштирок этаётган прокурор, *биринчидан*, ишда қатнашиш, *иккинчидан*, ҳолат юзасидан тарафларга саволлар бериш, *учинчидан*, илтимоснома бериш, *тўртинчидан*, фикр билдириш ваколатларига эга.

16. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашда прокурор унга юклатилган функцияси орқали жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ваколоти доирасида иштирок этади ва суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга кўмаклашади.

II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. ЖПКнинг 401¹-моддасини “Ишни прокурорга юбориш учун асослар» деб номлаш ва қуйидаги янги 3 ва 4-қисмлар билан “*Агар айблов хулосасини, айблов далолатномасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олса, судья ишни прокурорга юборади.*

Жиноят иши чақириб олинганлиги тўғрисида тарафларга ёзма хабар берилиши шарт. Суд муҳокамаси бошлангандан кейин жиноят иши чақириб олинмишига йўл қўйилмайди” тўлдириш.

2. ЖПКни “Ишларни биринчи инстанция суди томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки”, деган янги 408¹-модда билан тўлдирилиши ва қуйидагича баён қилиниши лозим:

“Судда ишлар биринчи инстанция тартибда кўрилишида прокурор қатнашади. Ишлар кўрилишида:

жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди биринчи инстанциясида — тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, туман (шаҳар) ҳамда туман прокуратураларига тенглаштирилган, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокурорлар томонидан ваколат берилган прокурор;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанциясида — тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори томонидан ваколат берилган прокурор қатнашадилар”.

3. ЖПКнинг 81-моддасига 1-қисмини “Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айб-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг, *прокурорнинг* ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади” таҳрирда баён қилиш лозим.

4. ЖПКнинг 409-моддаси 6-қисмини “Прокурор, башарти фуқароларнинг ҳуқуқларини ва жамият ҳамда *давлат* манфаатларини муҳофаза этиш мақсадлари талаб қилса, даъво қўзғатади ёки жабрланувчи томонидан қўзғатилган фуқаровий даъвони қувватлайди” таҳрирда баён қилиш лозим.

5. ЖПКда дастлабки эшитув ўтказиш ҳақида илтимоснома нусхаси бошқа тарафга топширилгандан кейин қанча муддатда дастлабки эшитув ўтказиш лозимлиги белгиланмаган. Ваҳоланки, илтимоснома нусхаси берилган тараф (прокурор) ҳам иш ҳужжатлари билан танишиши, илтимоснома важлари юзасидан тайёргарлик кўриши учун муайян вақт талаб этилади. Шу билан бирга, дастлабки эшитувни ўтказишнинг процессуал муддатлари қисқа бўлгани сабабли ҳам бу борада аниқ муддат қайд этилиши лозим. Шу сабабли дастлабки эшитув институтини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди (*қонун лойиҳаси ва умумлашма 1-иловада*).

6. ЖПКнинг 412-моддасини қуйидаги янги қисмлар билан тўлдириш лозим: *Суд муҳокамаси давомида прокурорнинг иштирок этишини истисно қилувчи ҳолатлар ёки бошқа сабаблар аниқланган тақдирда, у алмаштирилиши мумкин.*

Суд ишга янги киришган прокурорнинг илтимосномасига асосан гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертларни сўроқ қилиши ёки бошқа ҳаракатларни тақдир амалга ошириши мумкин”.

7. ЖПКда биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатлари назарда тутилган нормаларда “далилларни тақдим этиши” ва “илтимоснома бериши” ваколати қайд этилмаган.

Шу боис, ЖПКнинг 409-моддаси 1-қисмини қуйидаги “Прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришида иштирок этиб, давлат айбловини қонунийлиги ва асослигини қувватлайди, далилларни текширишида иштирок ва уларни тақдим этади, илтимосномалар келтиради, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар беради,...” таҳрирда баён қилиш. (Қонун лойиҳа 2-илова).

8. ЖПКда 409-моддаси 3-қисмини қуйидаги “Суд тергови маълумотлари асосида прокурор судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириши, шу жумладан, судланувчига нисбатан айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириши зарур деган хулосага келса, у бу ҳақда судга асосланган баёнот бериши шарт”

“Прокурор судланувчи аҳволини енгилаштирувчи томонга ўзгартиришида: айбловдан жиноятнинг оғирлаштирувчи квалификация белгиларини чиқариши; айбловдан ортиқча квалификация қилинган Жиноят кодекси моддаларини чиқариши; айбловнинг квалификациясини ўзгартириб, енгироқ моддага квалификация қилиши, айбловдан айрим эпизодларни чиқариб ташлаш” таҳрирда баён этиши.

9. ЖПКни “Прокурор айбловдан воз кечган тақдирда суднинг ҳаракатлари”, деган янги 409¹-модда билан тўлдирилиши ва қуйидагича баён қилиниши лозим:

“Прокурор айбловдан воз кечган тақдирда суднинг ҳаракатлари”

“Прокурор айбловдан воз кечган тақдирда, раислик қилувчи жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га айбловни қувватлаш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради. Тарафлар прокурорнинг айбловдан воз кечиши фикри билан танишиши ҳуқуқига эга. Агар жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) айбловни қувватлашга розилик билдирса, унга суд муҳокамасига тайёргарлик кўриши учун вақт беради. Судда айбловни қувватлашга розилик билдирган жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) суд муҳокамасида айблов тарафга берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади. Ушбу кодексда белгиланган тартибда чақирилган жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) узрли сабабларсиз судга иккинчи чақирув бўйича келмаганлиги унинг айбловдан воз кечганига тенглаштирилади ва тегишли айбловлар бўйича ёки прокурор айбловдан воз кечганида жиноят иши реабилитация асосларига кўра тугатилишига тугатишига сабаб бўлиши мумкин” билан тўлдириш.

10. Гумон қилинувчи, айбланувчи айбига иқдорлик тўғрисидаги келишув асосида ҳукм чиқарилганидан сўнг келишув тартибини бузгани аниқланса, прокурорга ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида протест

келтириш ваколати берилиши лозим (*қонун лойиҳаси ва умумлашма 1-иловада*).

11. Ўзбекистон Олий суди Пленуми қарорларида протестни қайтариб олиш тўғрисидаги мурожаат келиб тушгандан сўнг суднинг амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлари, апелляция, кассация ва тафтиш тартибида иш юритишни тугатиш лозимлиги ҳақидаги ҳамда протест, шунингдек уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжатни ишда қолдириш ёки қайтариб бериш масалалари қисман белгиланган бўлса-да, ЖПКда бунинг процессуал механизми мавжуд эмас. *Фикримизча*, бу масалаларни ЖПКда белгилаш лозим.

11.1. ЖПКнинг 497¹⁰ ва 504¹-моддасида протестни “суди маслаҳатхонага киргунга қадар” қайтариб олишга йўл қўйилиши белгиланганлиги сабабли “Прокуратура тўғрисида”ги қонундаги протест ишни “судда кўриш бошлангунга қадар” чақириб олиш ҳақидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш учун “суд маслаҳатхонага киргунга қадар” деб ўзгартириш лозим бўлади.

12. “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддаси ва ЖПКнинг 479⁹ ва 509⁹-моддасида протестни ўзгартириш ёки янги вазлар билан тўлдириш бўйича икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, прокуратура тўғрисидаги қонунчилик юқори турувчи прокурор протестга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ваколатли эканлигини қайд этса, ЖПК бунга йўл қўймайди.

Фикримизча, юқори турувчи прокурорга протестни ўзгартириш ёки тўлдириш ваколати берилиши мақсадга мувофиқ бўлмай, протест келтирган прокурор мазкур ваколатга эга бўлишга ҳақли. Чунки айнан у протестда келтирилган вазларни ва асосларнинг моҳиятини билади. Шунингдек, жинойт-процессуал қонунчиликда унинг механизми мавжуд эмас. Шунинг учун «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда қайд этилган нормада назарда тутилган юқори турувчи прокурорга берилган ушбу ваколатни чиқариш мақсадга мувофиқдир.

13. ЖПКнинг 497¹⁶-моддасида назарда тутилган қоида апелляция инстанцияси судида иш юритиш тегишинча Ўзбекистон Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон Ҳарбий прокурори томонидан *ваколат берилган* прокурор эмас, балки Италия, Францияда, Австралия, Германия, Бельгия, Италия каби ривожланган давлатлар қонунчилиги асосида унинг субъектлар доирасини кенгайтириш орқали апелляция инстанцияси суди муҳокамасида Бош прокурор, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Ҳарбий прокурори, уларнинг ўринбосарлари ёки улар томонидан ваколат берилган прокурор иштирок этиши ҳақидаги қоидага ўзгартириш киритиш орқали қайд этилган субъектларга ҳам апелляция суди муҳокамасида иштирок этиш ваколати берилиши мақсадга мувофиқ.

14. ЖПКнинг 522-моддасини «Янги очилган ҳолатлар ва янги ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар» деб номлаш ва қуйидаги янги 4-қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Янги ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

1) жиноят иши бўйича суд томонидан қўлланган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Конституция ва қонунларга зид деб топилганда;

2) жиноят иши Ўзбекистон Республикаси суди томонидан кўриб чиқиладиганда халқаро органлар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқлаганда”

15. ЖПКга қўшимча киритиб, соддалаштирилган тартибда иш юритиш институтини жорий қилиш ва унга “Буйруқ тартибида иш юритиш” (6 та моддадан иборат), “Судланувчи унга қўйилган айбловга иқдор бўлган тақдирда алоҳида тартибда суд қарори қабул қилиш” (3 та моддадан иборат) деб номланган янги бобларни киритиш мақсадга мувофиқ (*қонун лойиҳаси 2-иловада 1-жадвал сифатида берилмоқда*).

III. Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштироки амалиётини ривожлантириш бўйича таклифлар:

1. Прокурор фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Бош прокурорининг 2015 йил 27 ноябрдаги «Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги буйруғини янги таҳрирда қабул қилиш лозим (*3-илова, Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи лойиҳаси*).

2. Биринчи инстанция судларида прокурор ваколатини таъминлашнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун аввало жиноят иши материаллари билан тўлиқ ва пухта танишиши ҳамда шу орқали ўзида кўникмаларни шакллантириши лозим. Суд муҳокамасида прокурор иштирокини сифатли таъминлаш учун муҳим омил бўлган прокурорнинг жиноят иши материалларини ва айблов ҳулосасини ўрганиш методикаси ишлаб чиқилди (*4-илова*).

3. Суд муҳокамасида прокурор иштирокининг ягона амалиётини шакллантириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри қўллаш мақсадида «Прокурор» автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий қилиш ҳамда бутун республика прокуратуралари билан интеграция қилиш мақсадга мувофиқ (*Россия, Қозоғистон тажрибаси*).

4. Амалий тажриба, билим ва кўникмага эга бўлган суд муҳокамасида иштирок этадиган прокурорлар реестрини юритиш керак. Бу муаммоли вазиятларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

5. Соҳавий йўналишда прокурор функциясини сифатли таъминлаш учун ходимда прокуратура органларида камида уч йиллик иш тажрибаси, зарур назарий билим ва кўникма, қатъиятлик ва инсонийлик хислатлари, шунингдек нотиклик маҳорати бўлиши лозимлиги таклиф этилади.

Прокуратура органлари иш ўрганувчи ходимларини суд муҳокамасида б ой давомида тажрибали ва билимли ходим билан устоз-шогирд анъанаси асосида иштирок этиши зарур.

6. Мавзу доирасида адабиётлар, назарий-методологик, услубий асослар яратиш, ҳуқуқшуносликка оид олий таълим муассасаларида ҳам прокурор

иштирокига оид ўқув-модуллар (*лойиҳаси 5-илова қилинади*) жорий қилиш лозим.

7. Амалиёт таҳлили натижасида жиноят ишлари бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси механизмини такомиллаштириш, ходимлар штат бирлигини кўпайтириш, шу билан бирга, биринчи инстанция судларида иштирок этадиган прокурорлар кўнимсизлигининг олдини олиш мақсадида уларни юқори турувчи соҳавий ўринбосар, бўлим бошлиғининг розилиги билан бошқа йўналишга ўтказиш амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

8. Туман (шаҳар) судларида кўриш учун юборилган мураккаб ва кенг ҳажмли, хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган ёки юқори турувчи тергов органлари томонидан тергов олиб борилган жиноят ишларида прокурор иштирокини соҳавий йўналиш бўйича бўлим ва бошқарма прокурорлари томонидан таъминлаш амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бу, *биринчидан*, туман прокуратурасига амалий ёрдам бўлса, *иккинчидан*, уларнинг иш тажрибаси, билими ва амалий кўникмаси юқорилиги сабабли прокурор иштирокини сифатли таъминлашга олиб келади.

9. Прокурор функциясини сифатли таъминланиши, асослантирилган ва қонуний илтимоснома, эътироз ёки фикр билдириш учун соҳавий йўналиш ходимларига суд муҳокамасида фойдаланишга планшет берилиши лозим. Мазкур планшет норматив-ҳуқуқий асослар, назорат ишини электрон нусхаси шу каби иш билан боғлиқ масалалар юкланиши лозим. Бу ишни энгиллаштиришга хизмат қилади.

10. Суд муҳокамасида ҳам «айбга иқрорлик ҳақидаги келишув» қонунининг қўллаш қатор ижобий ҳолатларга, хусусан, *биринчидан*, суд процессида прокурор иштирокининг либераллашувига, *иккинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида жиноят содир этганликда айбланаётган гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбига иқрор бўлишига эришиш мақсадида унга турли тазйиқлар ўтказилишининг олдини олишга, *учинчидан*, биринчи инстанция судларида кўплаб ҳолатларнинг ечими топилиб, тарафларнинг юқори инстанцияларга мурожаат қилиши камайишига, *тўртинчидан*, юқори инстанция судларида иш ҳажми камайишига, бу эса давлат бюджети ресурсларининг тежалишига хизмат қилади.

11. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилиниб, ташкилий-бошқарув, процессуал-функциявий ва субъектив-психологик муаммоларни ечишга йўналтирилган ҳаракатлар моделининг методик хусусиятга эга, фаолиятнинг самарадорлигига қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган (*8-илова*).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ПРАВООХРАНИТЕЛЬНАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

ДОВУДОВА ДИЛЗОДА СУЛАЙМАНОВНА

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ УЧАСТИЯ
ПРОКУРОРА В СУДЕБНОМ РАЗБИРАТЕЛЬСТВЕ УГОЛОВНОГО
ПРОЦЕССА**

12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика,
оперативно-розыскное право и судебная экспертиза

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2021.4.DSc/Yu186.

Диссертационная работа выполнена в Правоохранительной академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.proacademy.uz) и Информационно-образовательном Портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Тухташева Умида Абдиловна доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Кулматов Шароф Асадович доктор юридических наук, профессор Рахмонова Сурайё Махмудовна доктор юридических наук, профессор Кадилова Мохигул Хамитовна доктор юридических наук, вр.и.о. профессора
Ведущая организация:	Высшая школа судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «6» февраля 2024 года в 14:30 на заседании Научного совета DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 при Правоохранительной академии Республики Узбекистан. (Адрес: 100047, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Рихсилий, 9. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (998971) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Правоохранительной академии Республики Узбекистан (зарегистрировано за № 36). (Адрес: 100047, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Рихсилий, 9, e-mail: info@proacademy.uz).

Автореферат диссертации разослан «26» января 2024 года.

(протокол реестра № 02 от «26» января 2024 года).

М.М.Мамасиддиков
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
юридических наук, профессор

Ш.И.Шайзаков
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии по юридическим наукам
(PhD), доцент

М.А.Аминжонова
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор юридических
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире наблюдается низкий общий показатель верховенства права. По индикаторам, установленным в индексе «Верховенство права» (The Rule of Law Index), в 2020-2021 годах в 61 процентах стран и в 2022-2023 годах в 59 процентах стран показатели снизились. В этих странах проживает 6 миллиардов человек. В 77 процентах стран с 2016 по 2023 год нарушались основные права человека¹. Принятие таких международных стандартов, как резолюция 17/2 Генеральной Ассамблеи ООН «Укрепление верховенства права посредством повышения честности, неподкупности и потенциала органов прокуратуры»² и Рекомендация R (2000) 19 Комитета министров Совета Европы «О роли прокуратуры в системе уголовного правосудия»³, также показывает актуальность этого направления. Поэтому, поскольку прокурор является участником процесса, влияющим на законность, обоснованность и справедливость судебных решений, затрагивающих судьбу человека, это направление требует дальнейшего совершенствования.

В мире изучение и практическое обеспечение данного направления, усиление организационно-управленческой деятельности в анализе, внесение ясности в процессуальный статус, функции и задачи прокурора в судебном разбирательстве и изучение процессуально-функциональных аспектов их полной и качественной реализации, на этой основе совершенствование механизма, разработка требований, предъявляемых к работникам, участвующим в судебном заседании, расширение возможностей работы над собой, направленное на субъективно-психологическое развитие, повышение знаний и квалификации, внедрение новых институтов и упрощенных процедур, нахождение научно-теоретических и практических решений процессуальных проблем, встречающихся в законодательстве и правоприменительной практике, приобретает важное значение.

В нашей республике последовательно осуществляется широкий спектр программных мер по обеспечению верховенства закона, реформированию судебно-правовой системы, обеспечению участия прокурора в уголовно-процессуальных отношениях. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы предусмотрены такие важные задачи, как создание прочных правовых основ деятельности открытой и справедливой прокуратуры, строго обеспечивающей законность, а также превращение принципа «Верховенство закона – неотвратимость наказания» в главный критерий, обеспечение открытости деятельности органов прокуратуры и их подотчетности обществу. Согласно ей, деятельность государственного обвинителя должна быть приведена в соответствие с международными стандартами и передовым зарубежным опытом, что, в свою очередь, указывает на необходимость

¹ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/insights#global-decline>

² Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар (ўқув кўлланма). Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, - 8-35 Б.

³ Рекомендация R (2000) 19 Комитета министров Совета Европы «О роли прокуратуры в системе уголовного правосудия». <http://docs.cntd.ru/document/90199642>

формирования законодательства с учетом передовых идей. Участие прокурора в судебном разбирательстве как представителя государства, обеспечивающего верховенство закона, свидетельствует о необходимости углубленного анализа организационно-управленческих, процессуально-функциональных и субъективно-психологических проблем, регулирующих деятельность в этом направлении норм законодательства и правоприменительной практики, и в соответствии с результатами совершенствования теоретических, практических, процессуальных, организационных аспектов.

Данная диссертация в определенной степени способствует выполнению задач, определенных в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан (1994), Законе «О прокуратуре» (2001), Указах Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебно-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» (2016), Постановлениях «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» (2018), «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод личности в судебно-следственной деятельности» (2020), «О мерах по цифровизации деятельности органов судебной власти» (2020), Законе «О внесении изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан в связи с усовершенствованием института проверки законности, обоснованности и справедливости судебных решений» (2023) других нормативно-правовых документах в этой сфере.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования по совершенствованию отношений, касающихся особенностей участия прокурора в судебном разбирательстве в уголовно-процессуальном законодательстве, проводятся в ведущих научных центрах и университетах мира, в том числе University of Warwick, Oxford University, Nottingham Trent University, Cambridge University, (Великобритания), University of Berlin (Германия), University of Virginia, New York University Law Center, Harvard University, National Institute of Justice (Соединенные Штаты Америки), Singapore Management University (Сингапур), University of Sydney (Австралия), University of Derby, Midlands Centre for Criminology and Criminal Justice (Великобритания), The European Institute for Crime Prevention and

⁴ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации основан на следующих источниках: <https://www.icj.org/wp-content>; <https://nonews.co/directory/wordbook/sheffen-court>; <https://www.icc-cpi.int>; <https://www.mjusticia.gob.es>; www.jstor.org; <https://www.sweetandmaxwell.co.uk>; <https://www.academia.edu>; <https://www.taylorfrancis.com>; <https://www.cambridge.org>; <https://clcjbooks.rutgers.edu>; <https://academic.oup.com>; <https://www.law.virginia.edu>; <https://ink.library.smu.edu.sg>; <https://www.researchgate.net>; <https://www.staffs.ac.uk>; <https://heuni.fi>.

Control (Финляндия), Московский государственный университет, Сибирский государственный университет, Академия Генеральной прокуратуры (Российская Федерация), Академия правоохранительных органов при Генеральной прокуратуре (Казахстан).

В результате исследований, проведенных в мире, достигнут ряд научных результатов, в том числе следующие: обоснована эффективность наличия у прокурора права на обжалование судебного решения в пользу осужденного в апелляционной инстанции в защите прав человека (University of Berlin, Германия); доказано, что апелляционная жалоба может быть подана только прокурором, участвовавшим в рассмотрении дела в суде первой инстанции (University of Virginia, Harvard University, National Institute of Justice, Соединенные Штаты Америки); доказано участие прокурора в рассмотрении уголовных дел в судебном разбирательстве (Академия Генеральной прокуратуры, Россия), (Академия правоохранительных органов при Генеральной прокуратуре, Казахстан); предложено ввести в национальное законодательство нормы о процессуальном институте «соглашение о признании вины» и сформировать механизмы его реализации (University of Warwick, Cambridge University, Великобритания), (University of Virginia, New York University Law Center, США), (Singapore Management University, Сингапур); доказана необходимость упрощения уголовных дел (University of Derby, Midlands Centre for Criminology and Criminal Justice, Великобритания); обоснованы преимущества применения института частного обвинения (The European Institute for Crime Prevention and Control, Финляндия); а также проведен анализ проблем участия прокурора в рассмотрении уголовных дел в судах первой и высшей инстанций и разработаны предложения по его совершенствованию.

Степень изученности проблемы. Некоторые аспекты деятельности прокурора в уголовном процессе исследовались учеными нашей страны: Г.А. Абдумажидовым, А.Д. Давлетовым, З.Ф. Иногомжоновой, М. Махбубовым, М.А. Ражабовой, Ф.Х. Рахимовым, Н. Норпулатовым, Ф.М. Мухиддиновым, В.В. Кодировой, З.С. Ибрагимовым, Д.М. Миразовым, Ш.А. Кулматовым, Г.З.Тулагановой, У.А. Тухташевой, С.М. Рахмоновой, Ш.Ф. Файзиевым, Ш. Абдукодиоровым, Н.И. Хайриевым, Б.А.Муминов, М.Х. Кадировой и другими.

Б.Х. Пулатов в работе «Теоретические и практические проблемы нормативно-правового регулирования участия прокурора в рассмотрении уголовных дел в судах и пути его совершенствования» (2002), О.М. Мадалиев в работе «Участие прокурора в рассмотрении уголовных дел в судах первой инстанции» (2005), Д.С. Довудова в работе «Вопросы совершенствования полномочий прокурора в производстве по уголовным делам в судах первой инстанции» (2020), М.З. Ражабова в работе «Совершенствование функций и полномочий прокурора при рассмотрении уголовных дел в высших судебных инстанциях: сравнительно-правовой анализ» (2023) проанализировали отдельные аспекты участия прокурора на определенных стадиях.

Вопросы организации деятельности прокурора на судебной стадии в странах СНГ исследовались Ю.А. Авагимовой, А.М. Баксаловой, В.И. Басковым, Е.В. Брянской, Н.В. Булановой, С.Э. Ворониным, В.Н. Исаенко, А.Ф. Ишембитовым, Н.П. Кирилловой, Ю.В. Кореневским, В.Ф. Крюковым, Н.В. Кулик, В.А. Лазаревой, Д.А. Мезиновым, Н.Ю. Решетовой, А.А. Тушевым, Б.А. Тугутовым, В.Г. Ульяновым, Е.Р. Ергашевым, Л.А. Курочкиной, Ю. Шербаковым, А. Терехиным, М.В. Бизовой, Н.В. Чекмачевой, К.А. Комогорцевой, М.А. Марковым, О.С. Капинусом, А.Г. Халиулиным и другими учеными.

За рубежом исследования по этой теме проводились J.A.Hilgert, M.Iuga, V.Păvăleanu, I.Neagu, D.Calendari, J.Hodgson, L.Soubise, B.McKillop, S.Eberhard, M.Nomeyler, U.Kramer, T.Hinrichsen, J.Brohmer, J.Bulnes, S.Bailey, M.Gunn, L.Zedner, P.Hungerford-Welch, J.R.Spencer, R.Rauxloh, Y.Ma, W.C.Bryson, D.Brown, G.Kok, A.G.Volevodz и другими учеными⁵.

